

Ишсиз аёллар касаначиликка ўқитилмоқда

Ўзбекистон туманида ишсиз аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида, улар касаначиликка ўқитилмоқда.

Жорий йилнинг 21 сентябрь куни “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, касаначиликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича “Фарғона тажрибаси”ни оммалаштириш, “Фарғона тажрибаси” бўйича касаначилик фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйган тадбиркорлар томонидан маҳорат дарслари ташкил этиш белгиланган.



Шу асосда бугунги кунгача туман Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш маркази томонидан ташкил этилган ўқув курсларида 45 нафар касаначиликка қизиқиши бор аёллар ўқитилиб, уларга сертификатлар топширилди.

Таъкидланишича, мазкур опа-сингилларнинг аксарияти “Аёллар дафтари”

рўйхатига киритилган.



Касаначилик фаоляти билан шуғулланишга лаёқати ва қизиқиши бор хотин-қизлар иштирокидаги ўқув курслари секторлар кесимида давом этмоқда.

Маълумот ўрнида, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 14 октябрдаги "Касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан айти йўналишда қатор имтиёзлар белгиланган.
2022-11-05 11:33:11